

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ
МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ
0800/2200034- сонли ШАРТНОМАСИ**

Жиззах.ш

«04» феврал 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 20 апрелдаги СФ 00241-сонли Суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Лицензияси асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган, кейинги ўринларда "СУҒУРТАЛОВЧИ" деб номланувчи "APEX INSURANCE" МЧЖ номидан 2021 йил 30 декабрдаги №33-сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи "APEX INSURANCE" МЧЖ Жиззах вилоят филиали директори **Адилов Хуршид Кодирович** бир тарафдан ва кейинги ўринларда "СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ" деб номланувчи, номидан "JIZZAX VILOYAT SEO VA 3BE" томонидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи Умаров М.Д. иккинчи тарафдан биргаликда "Тарафлар", алоҳида "Тараф" деб аталиб, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Шартномасини (бундан буён матнда – "мазкур Шартнома" деб юритилади) тузишди:

1 Бўлим. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Суғурта қилдирувчининг топшириғига кўра, Суғурталовчи ўз зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ЎРҚ-155-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари" (бундан буён матнда – "Суғурта қилиш қоидалари" деб юритилади) шартларига ва мувофиқ, мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган Иловаларида кўрсатилган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятни қабул қилади.

1.2. Мазкур Шартномада фойдаланиладиган атамалар, Суғурта қилиш Қоидаларига келтирилган таърифларга мувофиқдир.

1.3. Суғурта ҳудуди: Ўзбекистон Республикаси. Суғурта ҳудудидан ташқарида содир бўлган воқеалар суғурта воеаси деб ҳисобланмайди.

1.4. Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар – Суғурта қилдирувчи штатидаги ходимлар ёки Суғурта қилдирувчи билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида транспорт воситасини бошқаришга қўйилган бошқа шахслар.

2 Бўлим. МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ОБЪЕКТИ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Суғурта полисида (бундан буён матнда – "Полис" деб юритилади) кўрсатилган транспорт воситасидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонунчиликка мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мазкур Шартномага мувофиқ бериладиган Полисининг мажбурий суғурта объекти ҳисобланади.

2.2. Полисга кўра транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган, Суғурта қилдирувчининг суғурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган зарар бўйича жавобгарлиги суғурта қилинган, суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодиса ҳисобланади.

3 Бўлим. ИСТИСНОЛАР

3.1. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- a) мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;
- b) маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;
- c) транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув ҳайдови давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;
- d) атроф муҳитнинг ифлосланиши;
- e) ташилаётган юк таъсирида зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши керак бўлса;

f) ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;

g) ходимга зарар етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш бўйича мажбурияти;

h) йўловчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зиён етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарларнинг ўрнини ташувчи томонидан қоплаш мажбурияти;

i) ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;

j) юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар етказилганлиги;

к) нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металллардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозлар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;

l) жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар.

3.2. Мазкур Шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

3.3. Агар Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги Полис бўйича суғурталанган бошқа шахс) транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) Суғурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай усулда қопласа ёки қоплашни ваъда қилса, Суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги Полис бўйича суғурталанган бошқа шахсинг) бу ҳаракатлари суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

4 БЎЛИМ. СУГУРТА ПУЛИ

4.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 141-сонли Қарорига мувофиқ бир дона Полис учун суғурта пули **40 000 000 (қирқ миллион) сўмни** ташкил этади.

4.2. Мазкур Шартнома бўйича умумий суғурта пули мазкур Шартноманинг Иловасига мувофиқ **80 000 000,00 (Саксон миллион) сўм 00 тийинни** ташкил этади.

4.3. Ҳар бир транспорт воситаси учун полисининг суғурта мукофоти ва жами суғурта мукофотининг ҳисоб-китоби, Суғурта қилдирувчининг ҳар бир транспорт воситаси бўйича Полисни тузиш тўғрисидаги ёзма аризада келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб ва Суғурта қилиш Қоидаларига мувофиқ, Суғурталовчи томонидан амалга оширилади.

4.4. Мазкур Шартнома бўйича умумий суғурта мукофоти мазкур Шартноманинг Иловасига мувофиқ **264 000,00 (Икки юз олмиш турт минг) сўм 00 тийинни** ташкил этади.

4.5. Полис шартлари у амал қилган муддат мобайнида ўзгарган тақдирда, шунингдек Суғурта қилиш Қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳолатларда суғурта мукофоти миқдори ўзгарган шартларга мувофиқ равишда тузатилади. Бунда томонларнинг суғурта мукофотини ўзаро ҳисоб-китоб қилишга тааллуқли бўлган мажбуриятлари Полис шартларига ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечикмай бажарилиши керак.

4.6. Ҳар бир Полис бўйича суғурта мукофоти, Суғурталовчининг банк ҳисобрақамига Суғурта қилдирувчига тўлов ҳужжати тақдим этилган кундан эътиборан 3 (уч) кун ичида, пул маблағларини нақдсиз шаклда ўтказиш йўли билан тўлаб берилади.

4.7. Пул маблағлари Суғурталовчининг (унинг филиали ёки суғурта агенти) банк ҳисобрақамига келиб тушган кун суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4.8. Ҳар бир Полис бўйича суғурта товони тўлангандан кейин, мазкур Полис, суғурта пули ва суғурта товони ўртасидаги фарқ миқдоридан амал қилади.

5 БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ. ПОЛИСЛАРНИ БЕРИШ ВА МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Шартнома томонилар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва ҳар бир транспорт воситасига берилган Полисларда белгиланган муддатларга қадар амал қилади. Мазкур Шартномага мувофиқ бериладиган Полисларнинг амал қилиш муддати 1 йилдан кам бўлмаган муддатни ташкил этади ва ҳар бир Полисда кўрсатилади. Полисининг амал қилиш муддатининг бошланиш санаси, суғурта мукофоти (биринчи суғурта бадали ёки бўнак тўлови) тўланган санадан аввал бўлиши мумкин эмас.

5.2. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловасида белгиланган Полисни тузиш бўйича ёзма аризани, ҳамда Суғурта қилиш Қоидаларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

5.3. Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчининг ёзма аризасига мувофиқ, суғурта мукофотини ҳисоб-китобини амалга оширади, Суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти бўйича тўлов ҳужжати тақдим этади ва суғурта мукофоти тўланган санадан (Суғурта қилдирувчи бўнак тўловини амалга оширган бўлса – ариза олинган санадан) эътиборан бир иш кунидан кечиктирмасдан, Суғурта қилдирувчига, аризада кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси учун, Суғурта қилиш Қоидаларида белгиланган шаклда Полисни беради. Била туриб ёлғон маълумотлар ва (ёки) ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар тақдим этганлиги учун Суғурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик бўлади.

5.4. Полисининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

б) мажбурий суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Полисининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

5.5. Полисининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва Полисининг амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда Полисининг амал қилиши мазкур Шартноманинг 5.4-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда Суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг ушбу Полис бўйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

6 Бўлим. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурталовчидан Суғурта қилиш Қоидалари шартларини тушунтириб беришни талаб қилишга;

в) Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан шикоят қилишга.

6.2. Суғурта қилдирувчи қуйидагиларга мажбур:

а) суғурта мукофотини Суғурта қилиш Қоидаларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда тўлаши;

в) Суғурта қилдирувчининг транспорт воситаларини бошқарувчи шахсларни Суғурта қилиш Қоидалари шартлари билан таништириши, шу жумладан, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

с) жабрланувчига (унинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) йўл-транспорт ҳодисаси кунидан бошлаб уч календарь кундан кечиктирмай Полисининг нусхасини топшириши;

д) давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг етиб келишини кутиши, имкони борича йўл-транспорт ҳодисаси гувоҳларининг фамилияси ва манзилени ёзиб олиши;

е) дарҳол, йўл-транспорт ҳодисасидан кейин 72 соатдан кечиктирмай, содир бўлган ҳодиса ҳақида Суғурта қилиш Қоидаларга мувофиқ ёзма шаклда, Полисининг нусхасини илова қилган ҳолда Суғурталовчига (унинг филиалига) йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ва транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига билдириши;

ф) Суғурталовчига суғурта ҳодисаси муносабати билан унга нисбатан қўйилаётган барча талаблар ёки унга қарши бошланган суд муҳокамаси тўғрисида дарҳол хабар қилиши, зарар етказилиши ҳолатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ва ваколатли органлардан олинган, суғурта ҳодисасининг сабаблари ҳамда оқибатларини, зарарнинг хусусияти ва миқдорини белгилаш учун зарур бўлган ҳужжатларни Суғурталовчига тақдим этиши;

г) зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак.

6.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатларини ва суғурта қилдирувчи ёки жабрланувчининг хабарига кўра етказилган зарарни аниқлаш учун йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиришда қатнашишга;

б) агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар Суғурта қилиш Қоидаларига талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва Полис бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, Суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига

ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисмини тўлашни рад этишга;
с) ҳаётга, соғлиққа ва (ёки) мол-мулкка зарар етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўйича шубҳа пайдо бўлганда, Суғурталовчи ҳужжатда кўрсатилган ахборотнинг тасдиғини олиш учун ушбу ҳужжатни берган муассасага мурожаат қилишга.

6.4. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

- а) Суғурта қилиш Қоидалари шартлари билан Суғурта қилдирувчини таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;
- б) ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган ташувчи ва жабрланувчи ёки наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши.

6.5. Тарафлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

7 Бўлим. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ВА СУҒУРТА ТўЛОВИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

7.1. Суғурта товонини аниқлаш ва суғурта тўловини амалга ошириш тартиби, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўловини олиш учун зарур бўлган, тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати Суғурта қилиш Қоидаларида белгиланган.

8 Бўлим. СУҒУРТАЛОВЧИНING РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

8.1. Суғурталовчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги Полис бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдоридида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

а) мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;

б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;

в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;

г) мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;

д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат Полисда кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);

е) суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан Полисда назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан Полисда назарда тутилган даврда фойдаланиш шarti билан Полис тузилганда). Бунда Суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

9 бўлим. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Зиммаларига олинган ўз мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

9.2. Мазкур Шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади, агар келишувга эришилмаса, суд тартибида ҳал қилинади.

10 Бўлим. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Мазкур Шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-155-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

10.2. Мазкур Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг келишувига кўра ёзма шаклда киритилади.

10.3. Мазкур Шартномага қуйидагилар илова қилинади ва ажралмас қисми ҳисобланади:

1-сонли Илова. Суғурта қилиш учун Буюртма.

2-сонли Илова. Суғурта қилиш учун Ариза.

3-сонли Илова. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полиси.

10.4. Томонлар, мазкур Шартнома, Иловалар ва мазкур Шартнома билана боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг мазмуни тўғрисида томонлардан бирининг олдиндан берган ёзма розилигиз ҳар қандай учинчи шахсга ошкор этмаслиги бўйича жавобгарлик олиб борадилар.

10.5. Мазкур Шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:


СУГУРТАЛОВЧИ:	СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ:
<p>“APEX INSURANCE” МЧЖ</p> <p>Манзили: Жиззах ш., Ш.Рашидов к-си, 1 «А» уй Тел.: (99872) 226-27-27 Ҳ/Р: 2020 8000 8009 0678 5019 Банк: АЖ «Узмиллийбанк» Жиззах филиали МФО 00121 СТИР 305 684 696</p> <p>Суғурталовчи номидан Жиззах вилоят филиали директори Адилов Х.К.</p> <p>ИМЗО _____ м.у. _____</p> 	<p>“JIZZAX VILOYAT SEO VA JSB</p> <p>Манзили: Жиззах ш., Сангзор м-си, С.Азимов к-си, 1 уй Тел.: 72222-37-86 Ҳ/Р: 401421860084017074110054001 Банк: Марказий Банк Тошкент шотда Б.Б МФО 00014 СТИР 200 342 693</p> <p>Суғурта қилдирувчи номидан “JIZZAX VILOYAT SEO VA JSB” бошлиғи _____</p> <p>ИМЗО _____ м.у. _____</p> 


ХУСУСИЙ СОҒУРТА

2022 йил "04" февралдаги 0800/2200034-сонли
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш
Шартномасига
1-сонли ИЛОВА

2022 йил "04" февралдаги 0800/2200034 -сонли
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш
Шартномасига
БУЮРТМА

т/р	ТВ тури, маркаси ва модели	Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами	Суғурта мукофоти
1	HYUNDAI	25169DAA	144 000
2	RAVON DAMAS	251800AA	120 000
Жами Суғурта мукофоти			264 000

Суғурта қилдирувчи номидан:			
			04.02.2022 й.
	Ф.И.Ш. (мансаби)	Имзо / м. ў.	Сана
Суғурталовчи номидан:			
	Адилов Х.К.		04.02.2022 й.
	Ф.И.О. (мансаби)	Имзо / м. ў.	Сана





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"APEX INSURANCE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"APEX INSURANCE" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.08.2018

626994

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305684696

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Buyuk ipak yo'li ko'chasi, 154-"A"
uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT , tomonidan
XIZMATLARI MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):





МИНИСТЕРСТВО ФИНАНСОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЛИЦЕНЗИЯ

на осуществление страховой деятельности
страховщиков и страховых брокеров

Серия СФ

№ 00241

В соответствии с приказом Министерства финансов Республики Узбекистан от ²⁷ ~~15~~ ^{сентября} ~~апреля~~ 2019 г. № 5-СФ настоящей лицензией Обществу с ограниченной ответственностью «APEX INSURANCE»

(полное наименование владельца лицензии)

разрешается осуществление страховой деятельности в отрасли общего страхования в обязательной и добровольной (обязательный вид деятельности) формах по следующим классам:

- Класс 1 – Страхование от несчастных случаев;
- Класс 2 – Страхование на случай болезни;
- Класс 3 – Страхование наземных транспортных средств;
- Класс 4 – Страхование железнодорожного подвижного состава;
- Класс 5 – Авиационное страхование;
- Класс 6 – Морское страхование;
- Класс 7 – Страхование имущества, находящегося в пути;
- Класс 8 – Страхование имущества от огня и стихийных бедствий;
- Класс 9 – Страхование имущества от ущерба;
- Класс 10 – Страхование автогражданской ответственности;
- Класс 11 – Страхование ответственности в рамках авиационного страхования;
- Класс 12 – Страхование ответственности в рамках морского страхования;
- Класс 13 – Страхование общей гражданской ответственности;
- Класс 14 – Страхование кредитов;
- Класс 15 – Страхование поручительства (гарантий);
- Класс 16 – Страхование от прочих финансовых рисков.
- Класс 17 – Страхование расходов, связанных с правовой защитой.

Местонахождение владельца лицензии (почтовый адрес): Республика Узбекистан, 100077, город Ташкент, Мирзо Улугбекский район, улица Буюк Ипак Йули, дом 154 «А».

Идентификационный номер налогоплательщика владельца лицензии: 305684696

Дата выдачи лицензии: "20" апреля 2019 г.

Государственный номер по реестру: 233

Уполномоченный лицо: О.Исаков



№ 00241